

УДК 94

Мухамедов Шерзод Хуснитдинович

Ислом Каримов номидаги

Тошкент давлат техника университети

Ўзбекистон тарихи кафедраси ўқитувчи

Мухамедов Шерзод Хуснитдинович

преподаватель

кафедры истории Узбекистана

Ташкентский государственный технический университет

имени Ислама Каримова

Mukhamedov Sherzod Khusnitdinovich

Lecturer Department of History of Uzbekistan

Tashkent State Technical University

The name of Islam Karimov

МОВАРОУННАҲРДА ЭТНИК ВАЗИЯТ (VIII – XI АСР)

ЭТНИЧЕСКАЯ СИТУАЦИЯ (VIII – XI ВВ)

ETHNIC SITUATION IN TRANSOXIANA (VIII – XI CC)

Аннотация. Мовароуннаҳр араблар истилосидан сўнг Бухоро, Самарқанд шаҳри ва унинг атрофларига араб, форсийларнинг кўчириб келингандиги. VIII аср бошида Ўрта Осиёнинг шарқий чегаралариға қорлуқлар ва бошқа туркий қабилалар кўчиб келиш ва бутун Мовароуннаҳр ҳудудларига тарқалиш жараёни.

Калит сўзлар: этник, Ўрта Осиё, сўғдийлар, туркийлар, ўғузлар, қорлуқлар, сомонийлар, қораҳонийлар.

Аннотация. После арабского завоевания Мавреннахра в Бухаре, Самарканде и окрестностях этих городов, переселенческая часть арабов, персов. В начале VIII века на восточных границах Средней Азии

появились карлуки и другие тюркские племена и распространились по всему Мавреннахра.

Ключевые слова: этническая, Среданая Азия, согдийцы, тюрки, гузы, карлуки, саманиды, караханиды.

Summary. After the Arab conquest of Transoxiana in Bukhara, Samarkand and the surrounding area of these cities, the resettlement part of Arabs, Persians. In the beginning of VIII century on the Eastern borders of Central Asia came karluks and other turkic tribes and spread across Ma-wara' al-Nahr.

Key words: ethnic, Central Asia, the Sogdians, the Turks, guzy, the Karlukhs, the Samanids, the Qarakhanids.

Араблар истилоси натижасида Ўрта Осиё ҳудудида этник вазият ва ахолининг таркиби сезиларли даражада ўзгариши бошланди. VIII асрда Мовароуннахрнинг шимоли-шарқий ҳудудида қарлуклар, Фарғона ва Шош шаҳарларида туркий тилда сўзлашувчи аҳоли яшаб, Самарқанд, Бухоро ва унга қарашли маъмурий ҳудудларда сўғдийлар бўлган ва сўғдий тилда мулоқат қилишган. Фақатгина VIII аср бринчи яримига келиб форсий тилда фойдаланиш бошланган. Ибн Ҳавқл ўзининг “Сурат ул-арз” асарида Бухоро шаҳар аҳолиси ад-дарийя (араб ёзувидаги янги форсийдир) тилидан сўғдий билан бирдек фойдаланишганлиги[4, 49 б.] ҳақида маълумот келтирган. Хоразмда эса эроний тил оиласига мансуб бўлган халқлар билан биргаликда туркийзабон халқлар ҳам истиқомат қилишган. VIII асрда Хоразм шаҳар аҳолисининг айнан қайси тилда мулоқат қилингани ҳақида батафсил маълумот келтирилмаган фақатгина эроний тил оиласига мансублиги айтиб ўтилган. X асрга келиб манбаларида Хоразмга қарашли бўлган Журжон шаҳрида ўғузлар савдо билан шуғланишган, Сирдарёнинг қуи оқимларида яшаб келган ўғузлар

хоразмликлар билан этномаданий алоқаларга киришган бўлишлари керак фақат улар сон жиҳатдан кўпчилик ташкил этмаганлик сабаб Хоразм худудлари босқичма босқич туркийлашган.

Ибн Ҳавқал “Сурат ул-арз” китобининг Моварауннахр қисмидаги географик маълумотларда йирик шаҳар аҳолисини этник жиҳатдан ажратмаган балки уларни самарқандликлар, чочликлар, хоразмликлар шаҳар номлари ёки қабила номмлари билан атаб кетган. Фарғона ва Чочга келадиган бўлсак VIII асрда аҳоли алақачон туркийлашиб бўлган десак хато бўлмайди. Бунга сабаб аввало милоддан аввал 2-асрда Қанғ давлатининг маркази Тошкент вилоятида жойлашгани, кейинчалик VII аср бошларида Чоч шаҳри яқинида Чўра хоқон (ғарбий турк хоқони 599-610 бошқарув йиллар) томонидан Жабгукат номли шаҳар барпо этирган бўлса, ғарбий турк хоқонлигининг энг кучайган даври Тун ябғу хоқон бошқарув марказ Чоч ҳисобланган [2, 9-10 б.] Шундан келиб чиқиб Фарғона, Чоч ва Уструшона халқи туркий тилида сўзлашувчи аҳолидан ташкил топган.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек VIII аср бошларида Мовароуннахрдаги этник вазият араб халифалиги истилосидан сўнг йирик шаҳар ва қишлоқлардаги этник таркиби ўзгаришларга олиб келган омиллардан бири бу араб ва уларнинг хизматида бўлган форсларини кўчириб келишлари ҳисобланади. Жумладан Бухоро шаҳрига Қутайба ибн Муслим арабларни жойлаштириб Бухоро аҳлига шаҳарнинг яримини бўшатишларини талаб қилган ва бўш қолган маҳаллага арабларни жойлаштирган[6, 54 б.] Бундай тартибда араб ва форсийларни жойлаштириш фақатгина Бухорода эмас балки Самарқанд ва унга қарашли бўлган худудларга ҳам жойлаштиришган. Асосий мақсад маҳаллий аҳоли устидан назорат қилиш бўлса иккинчи томондан Бухоро ва Самарқандда яшовчи сўғдийлар билан эроний ва арабларни таъсири остида сўғд тилини сиқиб чиқариш[1, с. 119-120] амалга оширилган. Улар маҳаллий аҳоли билан жадал суратда кўшилиб кетмаган алббата ва XXI асрга келиб улар

ҳозирда ҳам Бухоро, Самарқанд шаҳарларида араб маҳаллалари мавжуд, Қашқадарё вилоятининг баъзи туманларида эса араб қишлоқларидан иборат.

Исфижобдан Фарғонанинг энг чекка ерларигача қарлуқлар ерлари ҳисобланган бўлса Исфижобдан Хоразм чегараларигача ғузларнинг ҳудудлари ҳисобланган. Тарихий манбаларда улар доим маҳаллий ўтироқ халқлар устига юришлар қилиб туришган. IX асрга келиб улар ислом динини қабул қилишган ва Ибн Ҳавқал берган маълумотларига кўра ўтироқ аҳолига босқинчилик юришлар ўрнига ислом байроғини ҳимоя қилишга ўтишади. Ўғузларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши Ибн ал Асирнинг “Ал комил фи-т-тарих” асарида салжуқийларнинг келиб чиқиши воқеаси билан боғланади. Манбада келтирилишича Ябгу исимли туркийлар ҳукумдори бўлиб, унинг ҳарбий хизматида Туқоқ яқин вакили бўлган. Туқоқ ўғил кўриб, исми Салжуқ эди ва у ҳукумдорнинг субоши (лашкарбоши) лавозимида хизмат қилган. Салжуқ ҳукумдор билан мусулмонлар юртига юриш қилиш масаласи бўйича тортишиб қолади ва келишмовчиликлар туфайли мамлакатни ташлаб кетишга мажбур бўлади. Исмлом динни қабул қилиб, Жанд атрофларига келиб жойлашади[3, с. 198]. Салжуқнинг учта ўғли бўлиб, муаллиф ўғузларнинг тарқалишини улар билан боғлиқ. Арслон ибн Салжуқ ўз қабиласини ҳозирги Озарбайжон ҳудудига олиб ўтган бўлса, унинг жиянлари (Микоил ўғиллари) Муҳаммад Тўғрулбек ва Довуд Чағирбек авлодлари ва уларга тегишли бўлган улус аввал самонийлар ҳукумронлиги вақтида Бухоро атрофларида, кейинчалик Қорахонийлар ҳукумронлиги даврида Шарқий Туркистон, Хурросон ва кейинчалик ғарбий Осиё мамлакатларига кўчиб кетишган. Ўғузлар самонийлар билан яхши муносабатда бўлишиб, улар ўртасида қудачилик ришталари ўрнатилган. Шу тариқа ўғузларнинг тарқалиши сабалраи асарда яхши ёритиб берилган. Ўғузлар Сирдарёning қуий оқимида шаҳарлари мавжуд бўлиб, у ердан кейинчалик сомоний

хукумдордан Зарафшон воҳалариға кўчиб келиш тўғрисидаги илтимосларига ижобий жавоб олишган ва уларга Бухоро атрофлариғи, ҳозирги Навий вилояти, Нурота худуларига кўчибиб келишган[7, с. 120]. XI асрда Мовароуннахрни тўлиқ қорахонийлар эгалагач ўғузларинг тартибсизликларига ва хоқоннинг амрига қарши бир неча бор иш тутганликлари сабабли қарлуқлар уларни Мовароуннахр ерларидан сиқиб чиқаришган. Бундан ташқари ўз вақтида ўғузлар сомоний сулоласининг сўнги вакили Абу Иброҳим Исмоил ибн Нуҳга ёрдам бериб илек-хони мағлуб этишган [7, с.122]

Х асрга келиб Ўрта Осиёning катта қисмини туркий элат ва қабилалар ўрнашиб бўлганди. Бунга X – XI асрларда бўлиб ўтган воқеалардан кўрниб туради. 923 йилда Абул Ҳасан Наср ибн Аҳмадга қарши Илёс ибн Исҳоқ ибн Аҳмад иккинчи бор исён кўтарганда унинг кўшин таркибида Фарғонада оз фурсат ичидаги йигилган 30 минглик туркийлардан ташкил топган суворийлар [3, б. 99] бўлган. Бундан кўриниб турибдики Фарғона ҳудудида туркийлар кўпчиликни ташкил этганлиги хато бўлмайди. Илёс мағлубиятга учрагач Қошғарга қочиб у ернинг дехқони бўлмиш Туғон тегинга куёв бўлади.

Ибн Ҳавқал "Китоб сурат ал-ард" асарида эса Фарғона ва Шош шаҳарларида туркийлардан ташкил топганлигини ва улар хаттоки ўзларининг содик хизматлари, жасоратлари, харбий соҳада эришган ютуқлари ва бу соҳада катта маҳорат соҳиблари эканлигини намоён этиб нафақат сомонийлар хизматида балки халифларнинг саройларида соқчилик ва лашкарбошилик каби унвон ва мансабларга сазовор бўлишган.

Мовароуннахр XI аср бошларда қорахонийлар сулоласи мамлакатни ишғол қилгандан сўнг қорлуқ ва чиғиллар бирга халаж қабиласи ҳам Ўрта Осиёга кириб келган. Улар асосан Самарқанд ва Устришона атрофлариға кўпроқ тарқалишган. XI аср охири ва XII аср бошларида жануб томон силжишни бошлашган. Маҳмуд Ғазнавий даврида халажклар салмоқли

қисимни ташкил қлганлиги, маълум қисми яъни уруғлари Мовароуннаҳда қолган бўлсалар, қолганлари Ғазна ва унинг атрофига кўчиб келишган [8, 111 р.]

Қорахонийлар Мовароуннаҳни тўлиқ эгалагач кўпгина қарлуқларин яна ўзларининг ҳудудларига (Қошғарга) қайтишга ва у ерда деҳқончилик билан шуғиланишга чорлашган. Ибн ал-Асир келтирган бу маълумотдан шу нарса қўриниб турбдики қорлуқлар Мовароуннаҳр ҳудудида жойлашиши 9- аср ўрталаридан бошланиб, маҳаллий ўтироқ ахоли билан маданий алоқада бўлганликлари ва Ўрта Осиёда улар Шарқий Туркистонга нисбатан кўпроқ ташкил этган бўлишлари мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйихати:

1. Бартольд В.В. Сочинения Т II часть 1 Москва: Издательство восточной литературы, 1963.
2. Бобоёров Ф. Тун ябғу-хоқон. Тошкент: Абу матбуот – консалт, 2011.
3. Ибн ал Асир. Ал Камил фи-т-тарих. Полный свод истории. Перевод с арабского языка и комментарии Булгакова П.Г. Дополнения к переводу, примечаниям и комментариям, введение и указатели Камолиддин Ш.С. Ташкент: Узбекистан, 2006.
4. Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал-ард. Мовароуннаҳр. Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Камолиддин Ш.С. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат миллий нашриёти, 2011.
5. Кадырбаев А.Ш. Тюрки евразийских степей в средневековых империях арабов, иранцев, индийцев и китайцев. VII – X вв. / А.Ш. Кадырбаев / Иран – намэ. – 2007. № 1. – С. 17-19.
6. Мухаммад ан-Наршахи. Тарих-и Бухара. Перевод, комментарии и примечания Камолиддина Ш. С. Археолого-топографический комментарий Е. Г. Некрасовой. — Ташкент: SMIA-SIA, 2011.

7. Шамсиддин Камолиддин. Саманиды из истории государственности Узбекистана в IX - X вв. — Saarbrücken: LAP LAMBERT Academic Publishing, 2012.
8. Hudud al-Âlam. Translated and explained by V. Minorsky. published and distributed by trustees of the “E.J.W. Gibb Memorial”. Reprinted University Press. Cambridge, 1982.